


ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил декабрь ойининг 4 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, мобил алоқа воситаси орқали аудиоконференцалоқа режимида, вилоят суди жиноят ишлари бўйича судьяси А.Ғоппоровнинг раислигида, ҳайъат судьялари Ф.Чориев ва Х.Бобоқуловлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Зокировнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси-Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори С.Назаров, судланувчи **** ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Узақов, жабрланувчи Д.Музаффаровнинг қонуний вакили М.Сафаровларнинг иштирокида, ****га оид суд ҳукми устидан жабрланувчи Д.Музаффаровнинг қонуний вакили М.Сафаров томонидан берилган шикоят жиноят иши ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг 2025 йил 23 октябрдаги ҳукмига асосан:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан 1 йилга маҳрум қилиниб, 1 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Судланувчи ****дан жабрланувчининг қонуний вакили М.Сафаровнинг фойдасига 12.974.414 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Жиноят натижасида етказилган маънавий ҳамда бошқа моддий зарарни ундириш масаласида келгусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво келтириш ҳуқуқи борлиги қонуний вакилга тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, **** 2025 йил 24 июнь куни соат 17:00ларда бошқарувида бўлган “Дамас” русумли, 70N891CB давлат белгили автомашинасида Яккабоғ тумани, Широzi МФЙ, Уз қишлоғининг ички йўлидан бошқариб келиб, автомашина салон қисмида бўлган вояга



етмаган 09.07.2021 йилда туғилган Музаффаров Довудбек Мансур ўғлини яшаш хонадони олдида тушириб, автомашинани бошқариш жараёнида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди (*йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмаслиги керак*), 63-банди (*транспорт воситаларини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаши ва йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига ҳалақит бермаслиги шарт. Зарурат туғилганида, ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак. Орқага ҳаракатланиш чорраҳаларда ва ушбу қоидаларнинг 62-бандига мувофиқ қайириб олиш мумкин бўлмаган жойларда таъқиқланади*) талабларига риоя этмасдан, орқага томон ҳаракатланаётган вақтида вояга етмаган Музаффаров Довудбек Мансур ўғлини босиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисасини содир қилиши оқибатида унинг оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 12.07.2025 йилдаги 328-сонли хулосасида, “Дамас” русумли, 70N891CB давлат белгили автомобили ҳайдовчисининг ҳаракатлари “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди ва 63-банди талабларига мос бўлмагани кўрсатилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 25.07.2025 йилдаги 199/1-ХужЮИА.Як-сонли хулосасида, Д.Музаффаровнинг танасида – қорин бўшлиғи аъзолари ёпиқ шикастланиши, талоқ, жигарни ёрилиши, меъда ости беги дум қисми ва меъда катта эгрилиги соҳаси қон қуйилиши, кўкрак қафаси чоп томон, чап тизза бўғими соҳасида қонталаш шилинмалари кўринишидаги тан жароҳати борлиги, оғирлик даражасига кўра, оғир тан жароҳати гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Жабрланувчи Д.Музаффаровнинг қонуний вакили М.Сафаров шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатига тўғри баҳо берилмасдан, судланувчига енгил жазо тайинлангани, **** ЖКнинг 117-моддаси билан жавобгарликка тортилмаганлигини, шу сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416, 417-моддалари тартибида қўшимча терговга қайтаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, судья Х.Бобоқуловнинг жиноят иши юзасидан маърузасини, жабрланувчи Д.Музаффаровнинг қонуний вакили М.Сафаровнинг шикоятни қаноатлантириб, ****га оғирроқ жазо тайинлаб, ****ни ЖКнинг 117-моддаси билан ҳам жавобгарликка тортиш, судланувчи **** ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Узақов, прокурор С.Назаровларнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, шикоятда кўрсатилган важларни жиноят иши ҳужжатлари ва апелляция инстанцияси судида аниқланган ҳолатлар асосида текшириб, қуйидаги тўхтамга келди.



Судланувчи ****нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзининг иқрорлик кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи тарафнинг аризалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, суд-тиббий экспертизаси хулосаси, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, сўроқ баённомалари, тақдим қилинган нарсани олиш, ашёвий далил деб топиш, дастлабки тушунтириш хатлари каби иш бўйича тўпланган объектив далиллар билан ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди, ишни ҳар томонлама ва тўла ҳажмда текширган, иш бўйича тўпланган далилларга объектив баҳо берган, судланувчи ****нинг содир этган жинояти тафсилотларини тўғри аниқлаб, суд ҳукмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликдаги айби тўлиқ исботланган деган асослантирилган хулосага келган ҳамда унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилиб, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни муҳокама қилиб, жиноят содир этилишига сабабчи бўлган омилларга тегишли баҳо бериб, ****га айбли деб топилган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, қонуний ва асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги қатъий кўрсатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди;

жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши керак.

8-моддаси 1-қисмига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

54-моддаси 2-қисмига кўра, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги;

3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

5-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шартлиги;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Гарчи, судланувчи **** томонидан содир этилган жиноят транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар туркумига кирса-да, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган мазкур жиноят ЖКнинг 15-моддаси талабларига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Бундан ташқари, ишда аниқланган ҳолатларга қараганда, судланувчи **** муқаддам судланмаган, содир этган қилмишига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймон, оилада ягона боқувчи, қарамоғида 6 нафар фарзандлари бор.

Бундай ҳолда, жабрланувчининг судланувчига нисбатан оғирроқ чора кўриш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Апелляция инстанцияси суди, жабрланувчининг қонуний вакили М.Сафаровнинг шикоятдаги, **** воқеа жойидан қочиб кетганлиги сабабли уни ЖКнинг 117-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортиш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд ҳоқамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.



Судланувчи **** биринчи босқич судида, 2025 йил 24 июнь куни соат 16:40ларда ўғлининг юмушлари кўпайиб қолгани сабабли “Дамас” русумли, 70N891CB давлат белгили автомашинада 5 та болани миндириб, яшаш уйига олиб бориб қўйгани, шу куни автомашинада Музаффаров Довуд ва унинг Солиҳа исмли опаси бўлгани, шу куни соат тахминан 17ларда Музаффаров Довуднинг яшаш хонадонига келиб, уни ва опаси Солиҳани дарвозасининг тўғрисида йўл четида автомашинани тўхтатиб қолдиргани, автомашинадан Довуд ва унинг опаси Солиҳа тушгани, улар тушиб бўлишганидан кейин автомашинани эшигини ёпиб, ён атрофга қараб олдинга қараб автомашинани ҳаракатлантиргани, тахминан 5-6 метр ҳаракатланганида, баланд овозларни эшитиб, автомашинани тўхтатгани, автомашинадан тушиб, орқага қараганида Довуд ерда ўтирган ҳолатда, йиғлаб тургани, Довуднинг устки кийимлари тупроқ ҳолатда, дарвозасидан тахминан 2 метрлар узоқликда тургани, Довуднинг аҳволини кўриб, уни кўтариб олиб, дарҳол уни шифохонага олиб боришгани ҳақида;

Гувоҳ Р.Таниева биринчи босқич судида, вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили М.Сафаровнинг қўшниси бўлиши, Яккабоғ тумани, Шерозий МФЙ, Ўз қишлоғида яшаб келиши, 2025 йил 24 июнь куни соат 17ларда ўзи яшаб келаётган Яккабоғ тумани, Шерозий МФЙ, Ўз қишлоғида кўчада қўшнилари билан ўзаро суҳбатлашиб турганида, Даминов Салоҳиддин “Дамас” русумли автомашинасида келиб, қўшниси Д.Кўшшаеванинг набираси Музаффаров Довудни тушириб, эътибор бермасдан автомашинани бошқаргани, шу вақтда Д.Кўшшаеванинг набираси автомашина тагида қолиб кетгани, **** автомашинани орқа томонга қараб бошқаргани, шундан кейин дарҳол тушиб, болани кўтариб олиб, зудлик билан шифохонага олиб боришгани, бу воқеа Д.Музаффаровнинг ота-онаси уйдан чиққунига қадар содир бўлгани, шу вақтда у Д.Музаффаровнинг бувиси билан кўчада суҳбатлашиб ўтиргани, сўнг Д.Музаффаровнинг отаси уйдан чиқиб Д.Музаффаровни шифохонага олиб кетгани ҳақида;

Гувоҳ Д.Кўшшаева дастлабки терговда, 2025 йил 24 июнь куни соат 17ларда Яккабоғ тумани, Шерозий МФЙ, Ўз қишлоғида жойлашган кўчада ўтирган вақтида Даминов Салоҳиддин автомашинасидан унинг набираси Музаффаров Довудни тушириб, эътибор бермасдан автомашинани бошқарганини, шу вақтда набираси автомашина тагида қолиб кетганини, сўнгра **** машинани олдинга ҳайдаб, болани кўтариб, уларнинг олдида олиб келганлиги ҳақида иш ҳолатларига мос, ишончга сазовор кўрсатувлар беришган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, воқеа куни судланувчи **** жабрланувчи Д.Музаффаровни хавф остида қолдириб, қочиб кетганлиги ҳақида фақат жабрланувчининг қонуний вакили М.Сафаровнинг кўрсатувларидан ташқари, бошқа бирон-бир исбот-далил (гувоҳларнинг кўрсатувлари, видео ёки аудио ёзувлар ва ҳ.к.) мавжуд эмас.



Бундан ташқари, воқеа куни жабрланувчи Д.Музаффаровга тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, шифохонага олиб борилган.

Қолаверса, жабрланувчи тарафнинг ушбу важи биринчи инстанция суди томонидан батафсил муҳокама қилиниб, воқеа жойида бўлган гувоҳларнинг кўрсатувларига таянган ҳолда, бу важлар асослантирилган ҳолда рад қилиниб, қонуний тўхтамга келинган.

Қонун мазмунига кўра, ****ни ЖКнинг 117-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилганлигини тасдиқлаш учун инкор қилиб бўлмас, объектив далиллар мавжуд бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Бундай ҳолда, судлов ҳайъати жабрланувчининг қонуний вакили-М.Сафаровнинг шикоятдаги жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416, 417-моддалари тартибида қўшимча процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун қайтаришга асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Булардан ташқари, судлов ҳайъати жабрланувчининг қонуний вакили-М.Сафаровнинг музокара сўзидаги Д.Музаффаровнинг даволаниши учун ўзининг ҳисобидан 58.000.000 сўм сарфлагани, биринчи инстанция суди томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш чоралари кўрилмагани ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Хусусан, биринчи босқич суди томонидан судланувчи ****дан жабрланувчининг қонуний вакили М.Сафаров фойдасига 12.974.414 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Бундан ташқари, жабрланувчининг қонуний вакили-М.Сафаров томонидан унинг фарзандига етказилган моддий зарарни (58.000.000 сўм) тасдиқловчи ҳужжатлар ёки далиллар (*шифохона тўловлари, дори-дармонларнинг қитанциялари, савдо чеклари ва ҳ.к.*) судга тақдим қилинмаган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди жабрланувчи Д.Музаффаровнинг қонуний вакили М.Сафаровга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб, тарафларга иш бўйича етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида зарур ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида даъво қилишлари мумкинлигини тушунтириб, қонуний тўхтамга келган.

Ваҳоланки, ҳукм эълон қилинганидан сўнг ҳам жабрланувчи Д.Музаффаровнинг соғлиғини тиклаш борасида сарф-харажатлар қилинган бўлиши ва келгусида ҳам бу борада маълум харажатларга йўл қўйилиши мумкин.



Шу маънода апелляция инстанцияси суди, жабрланувчининг қонуний вакили-М.Сафаровнинг шикоятдаги важлар, суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмади деб ҳисоблаб, ҳукмни ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига асосан, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг 2025 йил 23 октябрдаги ****га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд қарорларидан норози тарафлар ҳукм чиқарган суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

А.Ғоппоров

Ҳайъат судьялари

Ф.Чориев

Х.Бобоқулов

